

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2024 йил ноябрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди, тумандаги “Туркистон” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматов, Ж.Хамидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тўрақўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси О.Мамаджонов, судланувчи С.Ходжаев ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Ғуломовнинг иштирокида, Ходжаев Самиуллахон Сайфуллахановичга оид 1-1607-2401/262-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Ходжаев Самиуллахон Сайфуллаханович** (Hodjayev Samiullaxon Sayfullaxanovich) - 1968 йил 14 август куни Косонсой туманида туғилган, тожик, Ўзбекистон фуқароси, оиласиз, 4 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, Тўрақўрғон туманидаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, муқаддам:

1) Косонсой туман судининг 2000 йил 25 октябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиниб, 2000 йил 28 октябрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Охангарон туман судининг 2011 йил 8 августдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 28, 104-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилинган, жазони ўтаган;

3) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2011 йил 6 сентябрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми, 28,211-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши 2010 йил 28 августдаги амнистия актига асосан тугатилган, ЖК 78, 80-моддаларига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, Тўрақўрғон тумани, “Туркистон” маҳалла фуқаролар йиғини, Наманган кўчаси, 29-уй, 16-хонадонда яшайди, муносиб эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 30 октябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми, 28, 211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.



Суд, суд мажлисида судланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокараси, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Наманган вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда судланувчи С.Ходжаев 2024 йил 13 сентябрь куни Тўрақўрғон туман марказидаги “Водий тараққиёти” номли супер маркет биноси олдида фуқаролар Д.Абдурахманова ва Ў.Мирвалиевани Миллий гвардия Наманган вилояти бошқармасига ишга киритиб қўйиш масалаларини бошқарманинг Кадрлар бўлими бошлиғи орқали ижобий хал қилиб беришини айтиб, уларни алдаб ва ишонтириб, пора беришга далолат қилиб, кимёвий ишлов берилган 200 АҚШ доллари ва 3.800.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олган вақтда ушланиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноят содир этишга суиқасд қилган.

Наманган вилоят ИИБ ЭКМнинг 2024 йил 19 сентябрдаги 2022-сонли хулосасида текшириш учун тақдим этилган, С.Ходжаевнинг ўнг ва чап қўлларидан суртиб олинган бинт бўлаги суртмаларида, икки жуфт тиббиёт резина қўлқопларида ҳамда 200 АҚШ доллари, 3.800.000 сўм миқдордаги АҚШнинг 2 дона 100 долларлик, сўмнинг 38 дона 100.000 сўмлик пул купюраларининг юзаларида махсус кукун излари мавжуд, мавжуд кукунлар ранг товланиши ва хусусиятига кўра турдош, мавжуд кукунлар таққослаб кўриш учун юборилган намунага кимёвий таркиби ва нурланиш рангги билан ўхшаш, текшириш учун тақдим этилган, 200 АҚШ доллари, 3.800.000 сўм миқдордаги, АҚШнинг 2 дона 100 долларлик, сўмнинг 38 дона 100.000 сўмлик пул купюраларининг икки томони юзасидаги “Пора 2024” ёзувлари, таққослаш учун юборилган қалам намуналарига ранг товланиши билан ўхшашлиги кўрсатилган.

Судланувчи С.Ходжаев суд муҳокамасида, айбига иқрорлигини билдириб, 2024 йил 10 сентябрь куни бир маҳаллада яшовчи Шарофиддинова Мархабо исмли қиз билан кўришиб қолиб у билан бир оз суҳбатлашиб қолганида Мархабо 2023 йилда Миллий гвардияга ишга киргани, 2 нафар таниш қизлари ҳам Миллий гвардияга ишга кирмоқчи бўлиб юрганини айтганида унга Миллий гвардия бошқармасида ишловчи танишлари борлиги, шу танишлари орқали 2 нафар таниш қизларини Миллий гвардияга ишга киритиб қўйишда ёрдам беришини айтгани, эртаси куни Мархабо унга телефон қилиб, 2 нафар таниш дугоналари келганлигини айтганида қизлар билан кўришиб, бир оз суҳбатлашгани, уларга ишга киришларига ёрдам беришини айтгани ва 13 сентябрь куни соат 12:18 да таниши Мархабо унга телефон қилиб



Миллий гвардияга ишга киривчуларга эртага суҳбат бўлиши, шунинг учун улар билан гаплашиб олишини айтганида улар билан кўришиб суҳбатлашгани, уларга суҳбатдан ўтишларига ёрдам беришини айтгани, кейин Мархабога бу таниш қизларига суҳбатдан ўтишлари учун ёрдам бериши, ҳар бирига 300 АҚШ долларидан беришлари кераклиги, лекин уни танигани учун ҳар бирига 250 АҚШ долларидан жами 500 АҚШ доллари олиб келса уларни суҳбатдан ўтказиб қўйишини, Миллий гвардияни Наманган вилоят бошқармасида кадр бўлиб ишлайдиган Жамолдин билан гаплашиб қўйганини айтгани ва шу куни кеч соат 19:00ларда Мархабо унга телефон қилиб қизлар пулларни олиб келишганини айтганида у билан яшаш хонадонига яқин бўлган эски супермаркетни олдида кўришишга келишиб, уни олдида бориб у билан кўришиб, ундан 200 АҚШ доллари ҳамда 3 АҚШ долларига ҳисоблаб 3.800.000 сўм пулларни олгани, шу пайт уйига кетаётган вақтида олдида бир нечта шахслар келишиб, ўзларининг Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси ходимлари эканлигини айтишиб хизмат гувоҳномаларини ва тезкор тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилишгани, ундан бироз аввал нима воқеа содир бўлганлигини сўрашганда айтиб бергани, сўнг уни холислар иштирокида Департаментнинг Наманган вилоят биносига таклиф қилишгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Шарофиддинова суд муҳокамасида, ҳақиқатда 2024 йил 10 сентябрь куни яшаш хонадони яқинида турган вақтида унга яқин жойда яшовчи Ходжаев Самиуллохон ака билан кўришиб қолгани, уни миллий гвардияда ишлашини билгани учун унга Наманган туманида ҳамда Норин туманида яшовчи таниш қизлари борлиги, улар ҳам Миллий гвардияга ишга киришга ҳаракат қилиб юришганини айтганида унга Миллий гвардия вилоят бошқармасида ишловчи танишлари борлиги, шу танишлари орқали уни бу 2 нафар танишларини ишга киритиб қўйишда ёрдам бериши, фақат бунинг учун у қизлар билан кўриштириши, уларни кўриб, суҳбатлашиб кейин ишга кириш масаласига ёрдам бериши бўйича гаплашишини айтгани, бу ҳақда таниш қизларига айтгани ва эртаси куни С.Ходжаев билан кўришишгани, С.Ходжаев улар билан суҳбатлашиб, ишга киритишга ёрдам беришини айтгани, С.Ходжаев унга ишга кириш ҳар бир киши учун 300 АҚШ долларидан, лекин уни танигани учун ҳар биридан 250 АҚШ долларидан жами 500 АҚШ доллари олиб берса уларни ишга киришларидаги имтиҳондан ўтказиб қўйишда ёрдам беришини айтгани, кейин унинг гапларини қизларга айтиб, С.Ходжаевнинг бу ҳаракати ноқонуний эканлигини билиб унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраб Департаментнинг Наманган вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилишгани ва ёзган аризалари бўйича тадбир ўтказилганини баён қилиб, кўрсатув берди.



Гувоҳ Д.Абдурахмонова суд муҳокамасида 2024 йил 13 сентябрь куни таниши Шарофиддинова Мархабо опа унга маҳалласида яшовчи С.Ходжаев миллий гвардияга ўзининг миллий гвардия бошқармасида ишловчи танишлари орқали ишга киритмоқчи эканлиги, 250 АҚШ доллари бериш кераклиги, дастлаб у билан кўришиб суҳбатлашиб, сўнг ишга киритиб қўйишини айтаётганини маълум қилганида С.Ходжаев билан кўришишгани, улар билан суҳбатлашиб, миллий гвардияга ишга киритиб қўйиши учун 250 АҚШ долларидан беришларини маълум қилгани, шунда Шарофиддинова Мархабо ва Мирвалиева Ўғилой билан бирга С.Ходжаевнинг ҳаракатлари ноқонуний эканлиги учун Департаментнинг Наманган вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилишгани ва ёзган аризалари бўйича холислар иштирокида тадбир ўтказилганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, судланувчи С.Ходжаевнинг кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, С.Ходжаевнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрор бўлиб берган кўрсатуви ва суддаги кўрсатуви, аризачиларнинг ёзма мурожаатлари, гувоҳ (холис)нинг кўрсатуви, аризадаги ҳолатларни тезкор тадбир ўтказиб текшириш ва ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳамда текшириш учун суртма намуналарини олиш ҳақидаги, ўз ихтиёри билан тақдим этилган ашёларни кўздан кечириш ва олиш ҳақидаги, шахсий тинтув ўтказиш ҳақидаги, стенограмма, аризачидан овоз ёзиш мосламасини қайтариб олиш ва дискга кўчириш ва муҳрлаш ҳақидаги баённомалар, фотожадваллар, эксперт хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

С.Ходжаевнинг содир этган жинойий ҳаракатлари ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, 168-моддасининг 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади”;

24-бандининг иккинчи хатбошисида “Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколоти йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим;



Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Чунки, С.Ходжаев фуқаролар Д.Абдурахманова ва Ў.Мирвалиевани ишга киритиб қўйишини айтиб алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, мансабдор шахсларга пора беришга далолат қилиб, 200 АҚШ доллари ва 3.800.000 сўм пулни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилган.

Суд С.Ходжаевнинг содир этган жиноий ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмаган бўлиб, у тезкор тадбир бошланиб, ушлангунига қадар узлуксиз тезкор ходимлар кузатуви остида бўлганлигини инобатга олиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмидан 25,168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” деб, тушунтириш берилган.

Суд С.Ходжаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, уни шахсини, содир этган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган ЖК 25,168-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 211-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, ЖК 59-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил сутканинг



соат 22:00 дан соат 06:00 гача бўлган вақтда (касалхонада тиббий муолажа (ёрдам) олиш вақти истисно этилади) яшаш жойидан чиқиши чекланган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазони ўз яшаш жойида ўташни белгилашни, туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик чеклашлари юклатишни, озодликни чеклаш жазосининг муддатини ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблашни лозим топади.

Суд ашёвий далил масаласини ҳал қилиб, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган жиноят ишига илова қилинган кимёвий намуналар солинган 8 дона пакетларни ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни;

икки дона "DVD" диск жиноят иши билан бирга сақланаётгани, тезкор тадбирда фойдаланилган 200 АҚШ доллари ва 3.800.000 сўм пул ИЖҚК Департаментининг Наманган вилоят бошқармасига қайтарилганлигини инobatга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи Ходжаев Самиуллахон Сайфуллаханович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25, 168-моддасининг 1-қисми, 28, 211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.Ходжаевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

С.Ходжаевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22:00 дан соат 06:00 гача бўлган вақтда (иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан, касалхонада тиббий муолажа (ёрдам) олиш вақти истисно этилади) яшаш жойидан чиқиши чекланган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Ходжаевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 2-қисми тартибида енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 2 (икки) йил муддатга у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22:00 дан соат 06:00 гача бўлган вақтда (иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан, касалхонада тиббий муолажа (ёрдам) олиш вақти истисно этилади) яшаш жойидан чиқиши чекланган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Ходжаевга озодликни чеклаш жазосини Тўрақўрғон тумани, "Туркистон" маҳалла фуқаролар йиғини, Наманган кўчаси,



29-уй, 16-хонадонда ўташи белгилансин ва жазони ўташ даврида куйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар юклатилсин:

Тўрақўрғон туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосининг муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Озодликни чеклаш жазоси ижросини назорат қилиш Янги Тўрақўрғон туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи С.Ходжаевга Тўрақўрғон туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ходжаев Самиуллахон Сайфуллаханович ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши тушунтирилсин.

С.Ходжаевга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган жиноят ишига илова қилинган кимёвий намуналар солинган 8 дона пакетлар ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Икки дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақланаётгани, тезкор тадбирда фойдаланилган 200 АҚШ доллари ва 3.800.000 сўм пул ИЖҚК Департаментининг Наманган вилоят бошқармасига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича  
Тўрақўрғон туман судининг раиси

М.Рузиматов

